



ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ: КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

“Кўксарой” қароргоҳида 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкони тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон ва Беларусь байроқлари билан безатилган майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь етакчисини самимий кутиб олди ва шоҳсупага таклиф қилди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко тор доирада ҳамда икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар сифат жиҳатидан янги, янада юқори босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Беларусь Президентининг ушбу ташрифига тайёргарлик доирасида қатор тадбирлар, шу жумладан, Хукуматлараро

комиссия йиғилиши, ҳудудлар, ректорлар, тиббиёт ходимлари форумлари муваффақиятли ўтказилди.

Хукумат раҳбарлари, парламентлар, вазирилик ва ҳудудлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар халқаро тузилмалар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ доирасидаги сиёсий мулоқот ва Ўзро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга аҳдлашиб олдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг ижобий суръати мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йил якунларига кўра товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошди.

Хукуматлар олдида ушбу кўрсаткични яқин йилларда 1 миллиард доллардан зиёдга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш, экспорт-импорт етказиб беришни қўллаб-қувватлаш механизми ва маҳсулотларни сертификатлаштириш электрон тизимини жорий қилиш бўйича келишувга эришилди.

Бундан ташқари, томонлар юк ташини учун қулай шароит яратиш, халқаро авто-

мобилда ташувчиларни тайёрлаш, Жанубий Осиёнинг катта бозорларига элтувчи мультимодал коридорлардан самарали фойдаланишга келишиб олдилар.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Музокараларда давлат раҳбарлари кооперациянинг устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Булар — қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат ва электротехника саноати, фармацевтика, шаҳарсозлик, коммуникациялар ва бошқалар. Барча йўналишлар бўйича алоҳида ишчи гуруҳларни шакллантиришга келишиб олинди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашинув фаоллашганини олқишладилар. Кўни кеча ўтган Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари иккинчи форумининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди: унинг якунлари бўйича қиймати 1 миллиард доллардан зиёд шартнома ва битимлар имзоланган.

Томонлар фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттиришга келишиб олдилар. Олий ва профессионал таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм

соҳаларида шериклиқни ривожлантириш дастурлари қабул қилинади.

Йиғилишда расмий делегациялар аъзоларининг ҳисоботлари, музокаралар кун тартибидagi масалалар юзасидан аниқ таклифлари тингланди.

Учрашувлар якунида қабул қилинган қарорлар ва имзоланган келишувларни амалга оширишга доир қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича келишувга эришилди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Кўшма баёнот қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида қатор муҳим икки томонлама ҳужжат ва битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шу жумладан:

— 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Маҳсулотларни сертификатлаштириш электрон тизимларини қўллаш тўғрисида битим;

— Рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Илм-фан ва ишлаб чиқаришда ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тошкент ва Минск шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғрисида битим;

— Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Интеллектуал мулк соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— 2024-2025 йилларда спорт соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;

— 2024-2026 йилларда агросаноат мажмуида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;

— Ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси;

— 2024-2025 йилларда туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси.

Бундан ташқари, ташриф доирасида 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси ва

Беларусь Республикаси ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифлари режа-жадвали имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ташриф арафасида ўтказилган Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, Ҳудудлараро форум ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши натижалари мамнуният билан қайд этилди. Бунгача етакчи олийгоҳлар ректорлари ва тиббиёт муассасалари раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистон Президенти журналистлар эътиборини кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигида рўй берган сифатли ўзгаришларга қаратди. Барча даражалардаги мулоқотлар фаоллашгани, товар айирбошлаш ҳажми, кооперация лойиҳалари сони ошгани, маданий-гуманитар алмашинув ва тўғридан-тўғри авиакатновлар қайта тиклангани қайд этилди.

Етакчилар музокаралар агрофличка бўлгани, Ўзбекистон — Беларусь муносабатларининг кенг доираси батафсил муҳокама қилингани, кўп қиррали шериклиқни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари белгилаб олинганини маълум қилдилар.

Минтақавий ва халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ доирасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва савдони қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилишга келишиб олинди.

Саноат кооперациясининг устувор соҳалари белгилаб олинди.

Ҳудудлараро алоқалар салоҳияти ва имкониятларини самарали ишга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданият ва санъат, олий ва профессионал таълим, туризм, ёшлар ва спорт соҳаларидаги фаол алмашинувлар давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш борасидаги ҳамкорлиқнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Томонлар навбатдаги тиббиёт, таълим ва туризм форумларини ташкил этишга келишиб олдилар.

Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги дўстлик муносабатларини

мустаҳкамлашга хизмат қилиши, кўп қиррали шериклиқни аниқ амалий мазмун билан бойитишга ишонч билдирилди.

“Кўксарой” қароргоҳида Ўзбекистон — Беларусь саммити якунлангач, биргаликда дархат экиш маросими бўлиб ўтди.

Фахрий меҳмонлар хиёбонида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилиш рамзи сифатида дархат экдилар.

Сўнг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон эътиборига Технопарк корхоналарида ишлаб чиқарилаётган машиный техника, электрон ҳисоблагичлар, лифт ва эскалаторлар, насослар, саноат қозонхоналари, совитиш тизимлари каби кенг турдаги юқори технологик маҳсулотлар тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та ишлаб чиқариш қуввати жойлаштирилган. Жорий йилда бу ерда логистика маркази иш бошлайди.

Маҳсулотлар хорижий брендлар остида ва улар назоратида ишлаб чиқарилмоқда, ички ва хорижий бозорларда уларга талаб юқори. Товарлар дунёнинг 10 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Президентлар етакчи корхоналар кооперациясини, тажриба алмашиш ва технологиялар трансферини кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу куни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига борди. Олий мартабали меҳмон муҳташам бадий обида — Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Александр Лукашенко ушбу муаззам боғнинг бунёд этилиш тарихи билан танишди. Мустақиллик монументида акс эттирилган буюк алломалар, қаҳрамон саркарда ва жаҳонгирлар, жаҳид боболаримиз ҳақида сўзлаб берилди.

Делегация аъзолари “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига эътибор қаратди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛҶОЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозоридида рақобатнинг тобора кескинлашуви шароитида мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашда таълим сифати ва илмий салоҳиятини кўтариш орқали кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларда самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш, ўқув жараёнларига энг сўнгги педагогик технологияларни жорий қилиш, илмий фаолиятни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада ошириш, илғор хорижий тажрибага эга илмий-педагогик кадрларни кенг жалб қилиш мамлакат иқтисодиёти ҳамда молия тизимлари учун рақобатбардosh кадрлар тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва молия соҳалари учун юқори талаблар ҳамда халқаро талабларга мос мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув ҳамда илмий жараёнларни халқаро стандартларга асосланиб инновацион шакл ва усуллар асосида ташкил этиш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги, Иқтисодиёт ва молия вазирилиги, Солиқ қўмитасининг Тошкент давлат иқтисодиёт университетини унга Тошкент молия институти ва Фискал институти (кейинги ўринларда — Университет) қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

➤ Давоми 2-бетда

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни

УЙҒОҚ ФИКР

Очиқ чехрали одам иккиюзламачиликдек нуқсондан йироқ бўлади. Очиқ юзидан халойиққа хурсандлик, чучук сўзидан эл-юртга хуррамлик. Одамийлик билан кўнгилларга севимли, инсонийлик билан жонларга ёқимли. Ундан дўст-душман хотиржам. Бундай киши умридан барака топгай.

Алишер НАВОЙИ

“Ўқуғанга муборак айлаа они...”

➤ 6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

► **Бошланиши 1-бетда**

2. Куйидагилар Университетнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари бўйича дунёдаги сўнгги тенденциялар, молиявий технологиялар, илгор хорижий тажриба ва реал иқтисодиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда олий маълумотли **кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;**

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқот уйғунлигини таъминлаш орқали **иқтисодиёт тармоқлари учун илгор инновацион ишланмалар яратиш,** талабаларда **тизимли тахлил қилиш,** креатив фикрлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш;

замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва симуляцион марказлар ташкил этиш орқали **“таълим — фан — инновация — рақамлаштириш” экотизимини** ва соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион **тадқиқотлар трансферини** самарали йўлга қўйиш;

иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича **илмий лойиҳаларни амалга ошириш,** уларнинг натижаларини **жорий этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;**

жаҳон таълим ва илмий маконида Университетнинг нуфузини ошириш, етакчи хорижий университетлар билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг **хорижий илмий-амалий стажировкасини** тизимли йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда методик таъминот бўйича **етақчи олий таълим муассасаси** ҳисобланади;

б) Тошкент молия институти ва Фискал институтда таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ҳамда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда **Университет дипломи берилади;**

в) Университетда **2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:**

таълим жараёни давлат тили, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларда олиб борилади;

бакалаврият ва магистратура bosқичига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабалар учун алоҳида **хорижий тилларда ўқитиладиган** гуруҳлар ташкил этилади;

таълим дастурлари халқаро тан олинган рейтингларда **биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг** дастури асосида bosқичма-bosқич ишлаб чиқилади;

таълим жараёнига етакчи профессор-ўқитувчилар ҳамда тегишли соҳаларда камида 5 йиллик **амалий тажрибага эга бўлган иқтисодиёт, молия ва солиқ тизимларида ишлаган мутахассислар жалб этилади;**

иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳаси ходимларининг **малакасини ошириш тизими** йўлга қўйилади;

г) Университетга талабаларни **ўқишга қабул қилиш 2024/2025 ўқув йилидан бошланади.** Бунда, давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилиш давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида белгиланади;

д) Университет:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунди, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси Университет фаолиятини самарали ташкил этиш, малака талабларини ишлаб чиқиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларга амалиёт базаларида шароитлар яратишда **кадрлар буюртмачиси сифатида кўмаклашади;**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкларга, мустақил балансга ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Тошкент молия институти ва Фискал институтнинг **ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси** ҳисобланади.

4. Куйидагилар:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети **кузатув кенгашининг таркиби** 1-иловага мувофиқ;

2024-2027 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида **кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида **оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериладиган объектлар рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқласин.

5. Кузатув кенгаши (Қўчқоров):

а) **2024 йил 1 апрелга қадар** Университетнинг бошқарув кадрлари

лавозимларига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш чорасини кўрсин;

б) **2024/2025 ўқув йили бошлангунига қадар** тажрибага эга бўлган лойиҳалаштириш ташкилотини жалб қилсин ва Университетнинг мавжуд худудлари ва бино-иншоотлари негизида **замонавий кампусни бунёд этиш бўйича мастер режани ишлаб чиқсин** ҳамда унда куйидагиларни назарда тутсин:

Университетнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй манзилидаги худудда халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув аудиториялари, коворкинг марказлари, ИТ лаборатория, бизнес инкубатор ва анжуманлар залини ўз ичига олган мультифункционал кўп қаватли бинони барпо этиш;

Университет кампуси ва улардаги бино-иншоотларни юқори тезликдаги интернет билан ягона тармоққа боғлаш, ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

талабалар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида маънан ва жисмонан эскирган бинолар ўрнида янги талабалар турар жойи, замонавий спорт заллари, ошхоналар ва бошқа бино-иншоотларни қуриш.

6. Университетда маблағлари ҳомийлик хайриялари ҳисобидан шакллантириладиган **Университетни ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин.

Белгилансинки, Университетга тушган тўлов-контракт маблағларининг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми Университетни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади ҳамда таълим жараёнини яхшилаш ва моддий-

техника базасини ривожлантириш учун Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ишлатилади.

7. Кузатув кенгаши (Қўчқоров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш мақсадида икки ой муддатда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университет ҳузурида **Трансформация марказини** ташкил этсин.

Трансформация маркази куйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни 2030 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида **биринчи 1000 талик рўйхатга** киритиш, шунингдек, Университет таълим дастурлари **халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш** юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибага мувофиқ бакалаврият таълим йўналишларини мақбуллаштириш ҳамда Университетнинг таълим дастурларини халқаро таълим дастурларига мувофиқлаштириш;

2024-2025 йилларда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида камида **200 нафар етакчи профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини** ташкил этиш;

Университетнинг таълим дастурларини хорижий олий таълим ташкилотларининг дастурлари асосида ишлаб чиқиш.

8. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

КЛАСТЕР

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Салима хола тандирдан узилган иссиқ нонни қўлига олиб, кўзларига суртди, бир тўғрам синдириб өзига солди. Ҳовлини ёқимли, муаттар ҳид тутиб кетгандек гўё. Накадар тотли, тўйимли. Етказгани, кўрсатганига шукроналар айтиб, набирасини йўқлади. — Лаббай, бувижон, чақирдингизми? — Ҳа, мана буни иссиқда Ҳалима кампирга бериб чиқ, савоб бўлади, — дея қўлига тутқазди. Саватдаги қулчаларни олиб тоқчага қўйди. Ҳали замон набиралари келса, қўлига тутқазди-да. Шу ишлар билан андармон бўлиб хаёл гирдобига чўмди...

Ҳай-хайлашига қарамай, “Бугун дон олиб келаман”, дея қоп қўлтиклаб кўчага отилган тўнгичини эслади. Шунга ҳам чорак аср бўлиб қолибди. Эрта сўнган юлдузи, бутунги тўкин-сочинлики кўрмай кетди. Ҳали балоғат ёшига ҳам тўлмаган эди. Ўша кунларни эсласа, юраги зирқираб кетди...

Бир этак бола билан ёлғиз қолган мушфиқ она даладан бери келмасди. Оила жон бошига дўконда талонга берилган икки килограмм ун ҳафтага ҳам етмайди. Қўлдан берганга қўш тўймас, деганларидек, тоғлани қоринларидан ортмай қолди. Бу орада дон ўрим-йиғими бошланди. Ғалла тақчил, аксарият одамлар назоратчилар кўзини шамғалат қилиб, дон олиб қолишга ҳаракат қиларди.

Олимжон ҳам ғалла илинжида йўл пойлаб турибди. Узоқдан юк ортилган трактор

МАНФААТДОРЛИК ҲИССИ

Мўл ҳосил омили

Шунга бир оз хаёлга берилибман. Замоннинг тўкинлигини қаранг. Ун, нон, ғалла дейсизми, ҳамма нарсга муҳайё, истаганча оласиз. Олимжоним шу кунларни кўрмай кетди-да.

Дарҳақиқат, ғалла етиштириш, деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар дўконлар, аҳоли дастурхонини нонга тўлдирди, юртга файзу барака киритди.

Риштон туманида кейинги тўрт йилда ғалла етиштириш ҳажми қарийб 50 фоиз ошди. Бундан тўрт-беш йил аввал туманда кўпи билан 30 минг тонна дон етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 60 минг тоннадан ошди. Ҳосилдорлик ўртача 80 центнерга етди.

Ғаллачиликда кластер тизими йўлга қўйилгани ютуқлар омили. Иш ҳақи, минерал ўғит, ёқилғи етказиб бериш, сувдан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ иш қўлами кенгайди. Кам харажат қилиб, кўп ва сифатли ҳосил олиш анъаналари қўлоч ёйди. Янгиланган шароит ва имкониятлар фермер хўжалиқларида ишга бўлган муносабатни ўзгартирди, манфаатдорлигини оширди.



Айни кунда “Қаҳрамон”, “Рошидон даврони”, “Шукур-Ҳикмат” ғаллачилик кластерлари сазй-ҳаракати билан 7500 гектар ерда маҳаллий иқлим шароитига мос, серҳосил ғалла навлари парваришланяпти. Кластерларнинг сархил уруғ жамғариш, донни қайта ишлаш йўналишида янги лойиҳаларни ишга тушириш борасидаги изланишлари ҳам тўкинлик маҳсули.

“Қаҳрамон” ғаллачилик кластери бу соҳада кўпга ибрат бўлмоқда. Кластер ташаббуси билан нафақат хомашё, балки тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор ошди. “Бирлашган” маҳалла фуқаролар йиғини худудида Туркия технологияси асосида ун ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Корхона бир йилда 22 минг тонна донни қайта ишлаш имкониятига эга. Янги лойиҳа 20 нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминлади.

— Илгари чекка қишлоқларда замонавий қайта ишлаш корхоналари ишга тушади, деса ҳеч ким ишонмасди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муроджон Умаров. — Бугун бу ҳақиқатга айланди. Энг муҳими, ўзимиз етиштирган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилапти.



ти. Дўконлар, аҳоли дастурхони арзон ва сифатли маҳсулотларга тўла. Бир пайтлар ун, дон ахтариб, турли корхона ва дўкондорлар эшигида кунлаб вақт ўтказганимиз. Энди бунга ҳожат қолмади. Тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўкон, янги йўл ва йўлақлар қурилиб, маҳалламиз ҳар жиҳатдан обод масканга айланди.

“Қаҳрамон” ғаллачилик кластери худуддаги 137 фермер хўжалиги билан шартнома асосида иш олиб бормоқда. Жорий мавсумда 3700 гектар ерда “Юка”, “Тимирязов” сингари юқори ҳосилли ғалла навлари экилган. Сув етиб бориши қийин бўлган 700 гектардан ортиқ майдонда ёмғирлатиб сугориш технологияси жорий этилди. Натижада агротехник тадбирларда муҳим бўлган сув, минерал ўғит, техника хизмати билан боғлиқ сарф-харажатлар миқдори 45-50 фоизгача тежаллиб, ҳосилдорлик ортмоқда.

— Кластер ташаббуси билан дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш тармоқлари ишга туширилгани айни муддао бўлди, — дейди “Зафаржон юксалиши”

фермер хўжалиги раҳбари Шухратжон Султонов. — Ўтган мавсумда ҳар гектар ердан 80 центнердан ҳосил олдик. Белгиланган шартнома шартларидан ташқари ихтиёримизда 95 тонна дон қолди. Маҳсулотни эркин бозор нархида кластерга сотяпмиз. Керак бўлса, маблаг, ун, омихта ем олиб, ишчи-хизматчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни рағбатлантиряпмиз. Энди ҳар қачонгидан кўра самарали меҳнат қилиб, ҳосилдорликни янада оширишга алоҳида эътибор қаратдик. Шу мақсадда 30 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб сугориш технологияси ўрнатилди. Бу агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, экинларни сув ва минерал ўғит билан таъминлаш имкониятини бермоқда.

Фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотларининг асосий қисмини шу кунга қадар узоқ йўл босиб, Бағдод туманидаги турдош корхонага олиб борган. Чунки туманда донни қайта ишлаш корхонаси йўқ эди. Янги корхона ортиқча сарф-харажат ва оворагарчилик билан боғлиқ ҳолатларга барҳам берди.

— Айни кунда қўшимча дон ва дуккакли экинларни саралаш ва қадоқлаш тармоқларини қуриб битказдик, — дейди кластер хўжалиги раҳбари Исомиддин Ўринбоев. — Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, чорвачилик ва сутни қайта ишлаш лойиҳаларини ишга тушираимиз. Бу хомашёдан тортиб, тайёр маҳсулотча бўлган жараёни қамраб олади, 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

ЎЗБЕКИСТОН — ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ

Ушбу тамоийил изчил давом этади

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда очик, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бормоқда. Замонавий ташқи сиёсий ҳолатимиз дунёда шиддат билан ўзгараётган вазият ҳамда мамлакат ичидаги кенг кўламли ўзгаришларга асосланиб шаклланмоқда. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланувчи, дўстона ва тинчликсевар принципга эга.



Баҳодир ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Қонунчилик
ва ҳуқуқий сиёсат институти
иўйба мудири

Шу боис, Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига ва глобал ташаббуслар муаллифига айланмоқда. Мамлакатимиз дунёнинг 130 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган, 55 та дипломатик ва консуллик ваколатхонаси мавжуд, 100 дан ортиқ халқаро ташкилотлар аъзоси, турли кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро шерикчилик алоқаларини ривожлантирмоқда. Бугунги давр мазкур сиёсатни изчил давом эттиришни тақозо этади.

2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб кирдик. Мамлакатимизнинг Афғонистондаги сиёсати ҳар доим прагматизм билан ажралиб турган. Эрон, Ҳиндистон ва Покистон билан эса бир қатор муҳим транспорт лойиҳаларини амалга оширмоқдамиз. Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ва Покистонни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) бирлаштириб туради.

Ўтган йили Ўзбекистон ташқи сиёсатда Туркий давлатлар, айниқса, Озарбайжон, Яқин Шарқ (хусусан, Қатар ва Эрон) векторларини анча мустаҳкамлаб олди. Марказий Осиёнинг глобал майдонда аввалгидек пароканда эмас, яхлит минтақа бўлиб ҳаракат қилишга интилиши яққол кўзга ташлана бошлади. Минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари анча кенгайди. Биргина 2022-2023 йилларда Марказий Осиё йўналишида 150 дан ортиқ олий ва юқори даражадаги тadbирлар амалга оширилди.

Натижада Марказий Осиё халқларининг бир-бирига яқинлиги таъминланмоқда, борди-келди алоқалари кўпайди, савдо-сотиқ муносабатларининг салмоғи анча ортди.

Ўзбекистоннинг изчил, конструктив ва мутаносиб сиёсати туфайли минтақа давлатлари билан ишонч ва ўзаро тушуниш мустаҳкамланди. Минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг ўзига хос механизми — минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари жорий этилди.

Шунингдек, халқаро муносабатларда МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий тузилмаларда Ўзбекистон томонидан фаол ишлар амалга оширилмоқда. Корея Республикаси, Япония каби мамлакатлар билан алоқалар изчил ривожланмоқда. Жануби-шарқий Осиё давлатлари мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

2023 йил 17-18 май кунлари ХХРнинг Сиан шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Хитой саммитида қабул қилинган Сиан декларациясида мамлакатимиз ва Марказий Осиё давлатлари кўтарган ғоялар асосий ўрин тутди. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам қучли ёндашув сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги салмоқли нуқта бўлди.

2023 йил сентябрдаги Марказий Осиё ва АҚШ саммити ҳам юқори даражада ўтди.



Президентимизнинг БМТдаги чиқишлари, Европа билан ҳамкорлик, Жанубий Осиё билан муносабатларда ривожланиш давомийлиги Ўзбекистон кўтарётган масалалар нафақат Марказий Осиё, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам муҳим ўринга эгалитини кўрсатяпти.

Ташқи сиёсатда дастурий ғоялар ва давлатимиз раҳбари кўтарган ташаббуслар ўз аксини топтоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатда илгари сураётган таклифлар минтақамиз ривожланиши учун ҳам муҳим ҳисобланади. Буни Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари мисолида кўрсак бўлади.

Узоқ йиллар давомида қўшни давлатлар билан борди-келди камайди, чегаралар ёпил-

ди. Кейинги йилларда вазият тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ён қўшниларимиз билан ишонч ва ҳурматга, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган прагматик сиёсат олиб боришмоқда. Натижада савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқалар кундан-кун ривожланмоқда. Энг муҳими, қардош халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, қўша-андачилик, яхши қўшничилик аънавалари қайта тикланди.

Жорий йил 24 январда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Хитой музокара-ларида сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатларимиз муҳим масалалар юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якуналари бўйича товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди. Яқин истиқболда буни 20 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар борлиғи тўғрисида яқдил фикр билдирилди. Инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетикада, технологиялар трансфери соҳаларида ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашганига алоҳида эътибор қаратди. Кейинги йилларда Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар ошди.

Таълим ва туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштириш, ўзаро маданият қўнларини ўтказиш амалиётини давом эттириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Қўшма Ёшлар инновация форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Режалаштирилган барча тadbирлар ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида томонлар Ҳукуматлараро қўшма ва унинг барча кичик қўшмалари йўналишларини жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказишга ахдлашиб олди.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ҳамда яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очик, прагматик ва

чучуқ ўйланган ташқи сиёсий йўналишни ривожлантириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Президентимиз фармони лойиҳасига кўра, давлат дастури 5 йўналишдан иборат, 100 мақсадни ўз ичига олади. Дастурнинг “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатини изчил давом эттириш” блоки алоҳида аҳамиятга эга.

Унга асосан, жорий йил давомида минтақада хавфсизлиқни ва тинчликсеварлик ғояларини изчил таъминлаш мақсадида қуйидаги устувор вазифалар белгиланмоқда. Жумладан:

— аънавий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш;

— глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларига қўшилиш, айниқса, АҚШ, Канада ҳамда Америка қитъасининг бошқа мамлакатлари билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш;

— АҚШ билан стратегик шериклик мулоқоти, Канада ва Бразилия билан сиёсий маслаҳатлашувларни доимий ўтказиб бориш;

— “С5+1” формати доирасидаги ҳамкорлиқни, парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш;

— Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ташқи савдонини кенгайтириш, хорижий инвестициялар, молиявий-техник ёрдам ва илғор технологияларни жалб этиш.

Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорлиқни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида сув хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги илмий-амалий лойиҳаларни йўлга қўйиш, минтақа давлатлари томонидан трансчегаравий даражадан фойдаланиш ва гидроиншоотлар барпо қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда

қўшни давлатлар билан халқаро грант маб-лағларни олиш чораларини кўриш вазифалари ҳам шулар жумласига киради.

Кези келганда эслатиб ўтиш жоизки, 2022 йил 6 июль кунин Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШХТБ) имзоланган эди. Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик, маданий алоқаларни илгари суриш, молиявий ва техник ҳамкорлик, инвестициялар, товар ва хизматлар савдоси, шунингдек, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

КШХТБ лойиҳаси бўйича музокара-лар 2019 йил февраль ойида бошланган ва 2022 йил июнь ойи охирида якунланган. Ушбу давр мобайнида экспертлар, бош музокара-чилар ҳамда ҳукумат аъзолари даражасида 10 раунд музокара-лар ва 150 дан ортиқ учрашу-влар бўлиб ўтган.

Ушбу битимнинг муҳим йўналишлари савдо ва унга тегишли масалалар, жумладан, божхона маъмурчилиги, техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария чоралари, рақобат ва давлат корхоналарининг фаолияти, давлат харидлари, низо-ларни ҳал қилиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ қон-далардан иборатлигини инобатга олиб, жорий йилда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитини юксак даражада ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иш-лар вазирининг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” вазирлар форматидagi навбатдаги учрашувида самарали иштирокини таъмин-лаш ҳамда Ўзбекистоннинг GSP+ имтиёзлар тизими бенефициари мақомини ўзайтириш масаласини илгари суриш назарда тутилган.

Бундан ташқари, янги битим Жаҳон сав-до ташкилотининг асосий қондаларини ўз ичига олгани натижасида инвестициявий ше-риклик, товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдоси соҳаларидаги муносабатлар доираси сезиларли даражада кенгайтирилган.

Мамлакатимизда “Ислам — тинчлик ва эз-гулик дини” мавзусида халқаро конференция ташкил этиш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича Ишчи гу-руҳнинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш каби бир қатор тadbирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида ҳамкор давлатлар билан икки томонлама ўзаро манфаатли муносабат-ларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

Ўтган йили мазкур йўналишда 40 дан ор-тиқ тadbирлар ўтказилди. Бу йил ҳам мазкур йўналишни ривожлантиришга қаратилган қатор давлат ташрифлари режалаштирилган. Жумладан, айни кунларда Беларусъ Респу-бликаси Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Бе-ларусъ ҳудудлараро иккинчи форуми ўтка-зилди. Томонлар 2024-2025 йилларда ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган чора-тadbирлар режаси доирасида бир-би-рида савдо уйлари ташкил этиш, ёғоч ва озиқ-овқат маҳсулотларини имтиёзли харид қилиш ва тизимли етказиб бериш механизми-ни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида маданий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Шубҳасиз, ташқи сиёсатимиз доирасида олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар чет эллик инвесторларни Ўзбекистонга жалб қилиш, улар иштирокида турли биз-нес-форумлар, кўргазмалар ва бошқа тadbирлар ташкил этиш, мамлакатимизнинг таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва бош-қа соҳаларда алоқаларини кенгайтириш, хусусан, университетлараро ва илмий тad-қиқотлар йўналиши бўйича турли дастур-ларда иштирок этиш ҳамда қўшма лойиҳа-ларни амалга ошириш имкониятини янада кенгайтиради.

Муносабат

Кейинги йилларда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, назорат функцияларини кенгайтириш ва бошқа масалалардаги фаоллиги ошди, иш усули такомиллашди. Бугунги кенгашлар фаолиятини, депутатларнинг ташаббускорлигини бундан 10-15 йил аввалги ҳолат билан таққослаб бўлмайди.



Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент
вилояти кенгаши депутати,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси

Мен меҳнат фаолиятим давомида касбим тақозоси билан маҳаллий кенгашлар иш усу-лубини, ўша йилларда сайланган депутатлар фаолиятини кўп марта таҳлил қилганман. Журналист, газета муҳбири сифатида кенгаш сессияларида иштирок этганман. Эсласам, бугун бир оз эриш тунолгандек бўлади. Ма-салан, Бекобод тумани кенгаши сессиясида фақатгина йиғилишга раислик қилган депу-тат сўзлаганини, қолганлар эса розимиз, дея қўл кўтаргани гувоҳи бўлганман. Ёки Нураф-шон шаҳри кенгаши сессияси бошлангунига қадар бирорта ҳам депутат кун тартибидagi масалалар билан танишмаганидан хабардор эдим. Пискент туманида ўтказилган сессияда ҳоким ўринбосари депутатга таъйиқ ўтказга-нини ҳам ўз кўзим билан кўрганман. Бундай мисолларни ана келтириш мумкин.

Бугун кенгашлар ваколатлари кенгайиб, халқ ҳокимиятичилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида қамровли ишлар қили-наётир. Лекин шу ўринда савол туғилиди: маҳаллий кенгашлар давлатимиз томони-дан қўйилаётган янги талаб ва вазифаларга

ҲОКИМЛАР ЭНДИ КЕНГАШГА ҲИСОБ БЕРАДИ

Ҳозир ҳам шундай-ку, дейсизми?

Ҳозир ҳоким бир вақтнинг ўзида кенгаш раиси ҳам ҳисобланади. Табиийки, кенгаш қабул қилган қарорларнинг савияси, мазмун ва моҳияти кўп жиҳатдан раисга боғлиқ. Кенгаш раиси эса айни вақтда ҳоким эканини унутмайди ва қарор қабул қилишда ўзи билиб-билмай ижро ҳокимияти манфаатларига ён босиши мумкин.

тўлақонли жавоб бераптими? “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад-ларга ҳамоҳанг фаолият юритилганими? Бу са-волларга жавоб беришда бир оз ўнғайсизлик пайдо бўлади.

Президентимизнинг шу йил 2 февралда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимия-ти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармони билан танишиб, уни ўз вақтида қа-бул қилинган тарихий ҳужжат, маҳаллий кен-гашлар дастуриламали, деб баҳолаш мумкин.

Мазкур фармон, янги тахрирдаги Конститу-цияга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро органлари вако-латлари бўлинишига оид муҳим тамойилнинг маҳаллий даражасидаги ижросини таъмин-лайди. Шу маънода, маҳаллий давлат ҳоки-мияти органлари фаолиятини “Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ташкил этиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” маъқулланганини ҳам алоҳи-да эътироф этиш лозим.

Ҳозир ҳоким бир вақтнинг ўзида кенгаш раиси ҳам ҳисобланади. Табиийки, кенгаш қабул қилган қарорларнинг савияси, мазмун ва моҳияти кўп жиҳатдан раисга боғлиқ. Кен-гаш раиси эса айни вақтда ҳоким эканини унутмайди ва қарор қабул қилишда ўзи би-либ-билмай ижро ҳокимияти манфаатларига ён босиши мумкин.

Иккинчидан, кенгаш сессиясида раис ўзи ҳоким сифатида ҳисобот бермоқда. Албатта, бундай жараёнда рўй-ростлик, очик танқид, камчиликларга муроосасизлик бир оз орқага чекингандек бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу йил ўтказиладиган сайлов якун-лари бўйича дастлаб вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларида, 2026 йилдан эътиборан туман (шаҳар) кенгашларида кенгаш раис-лари ва ҳокимлар алоҳида-алоҳида фаолият юритиши белгилангани айни муддаодир.

Фармон билан маҳаллий кенгашлар зим-масига вазифа ва функциялар фақатгина қо-нун ҳужжатлари билан юкъланиши, давлат ҳо-

кимияти ва бошқарув органлари томонидан маҳаллий кенгашлар фаолиятига аралашши-га йўл қўймаслик белгилаб қўйилди. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазифаларни маҳаллий давлат ҳо-кимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгилаш амалиёти жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда юри-тилаётган оқилона сиёсатнинг ёрқин кўри-нишидир. Фармон бу каби ва бошқа қўллаб масалаларни халқчил нуқтаи назардан ҳал этишга асос яратётгани билан ҳам аҳамият-лидир.

Ўз навбатида, фармон билан маҳаллий кенгашлар ҳамда ижро ҳокимияти олди-га янги вазифалар қўйилмоқда. Уларни ўр-ганиш, амалиётга жорий этиш, табиийки, маҳаллий кенгашлар зиммасига катта масъ-улият юклайди. Маҳаллий кенгашларнинг халқ овозига айланиши, ҳудудий бошқаруви аҳоли манфаатларига хизмат қилиш тамойи-ли асосида йўлга қўйилган депутатларни ўта фаол бўлишга, дахлдорлик туйғусини оши-ришга, камчиликларга муроосасиз бўлишга, назоратни қучайтиришга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат маҳаллий кенгашлар фаолиятида замон та-лабларига мос янги даврни, янги ривожла-ниш босқичини бошлаб бериши билан ўта аҳамиятли ва долзарбдир.



Қайси соҳа қандай ривожланмоқда?

Иқтисодиётимиздаги устувор йўналишлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили бажарилган ишлар самараси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларда яққол кўзга ташланади.

Жумладан, дастлабки баҳолашларга кўра, 2023 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 1 квадриллион 66,6 триллион сўмни ташкил этиб, олдинги йилдагига нисбатан 6 фоиз ошди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги тармоғида 4, саноатда 6, қурилишда 6,4, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 10,2, ташishi, сақлаш, ахборот ҳамда алоқа хизматларида 12,3 ва бошқа хизмат тармоқларида 4,5 фоиз ўсиш кузатилди.

2023 йилда иқтисодиёт тармоқлари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги улуши 24,3, саноат 26,1, қурилиш 6,2, хизматлар соҳаси ҳиссаси 43,4 фоизни ташкил этди.


Хизматлар соҳасининг ЯИМ ўсишига ҳиссаси 2,6, саноат 1,5, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги тармоғи 1, қурилиш соҳаси улуши 0,4 фоизга тенг бўлди.

Шунингдек, 2023 йилда ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 17,1 фоиз улуш билан энг катта ҳисса кўчди. Тошкент, Навоий вилоятлари 10,1 ва 7,7 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Сирдарё вилояти (2 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (3,1 фоиз) ҳамда Жиззах вилояти (3,1 фоиз) энг паст натижа кўрсатган.

Ўтган йили аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми жорий нархларда 29,3 миллион сўмни ташкил этган ва 2022 йилдагига нисбатан 3,8 фоиз ўсган.

Ўтган йили аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми жорий нархларда 29,3 миллион сўмни ташкил этган ва 2022 йилдагига нисбатан 3,8 фоиз ўсган.

2023 йил ҳолатига Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари (ўтган йилдагига нисбатан % да)



САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ

2023 йилга оид дастлабки маълумотларга кўра, юртимизда фаолият юритаётган 69,4 мингдан зиёд саноат корхонаси томонидан 655,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ҳажми 6 фоиз ошди. Жумладан, энг юқори улуш 84,4 фоиз билан қайта ишлаш саноатига тўғри келди. Тоғ-кон ва очик конларни ишлаш саноати улуши 8,4, электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноати ҳиссаси 0,5 фоизни ташкил этди.

Қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 6,7 фоиз ҳамда электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатига 9,7 фоиз ошishi кузатилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилдагига нисбатан 6,2, тўқимачилик маҳсулотлари 6,4 фоиз кўпайди.

Худудлар кесимида юқори ўсиш суръатлари Жиззах (7,4 фоиз), Андижон (7,3 фоиз), Наманган (7,2 фоиз), Сирдарё (7,1 фоиз), Қашқадарё (7,1 фоиз), Навоий (6,7 фоиз) ҳамда Фарғона (6,2 фоиз) вилоятларида кузатилди.

Ижобий ўсиш суръатларига эришишда 2023 йилда янги ташкил этилган 14,1 мингдан ортиқ саноат корхонасининг ўрни катта. Хусусан, тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳар бирида 3,3 мингтадан, мебель, кимё саноатида мос равишда 0,9 ва 0,5 мингта янги субъект иш бошлади.

2023 йилда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг қарийб ярми, яъни 53,3 фоизи айнан саноат соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилди. Бу эса импорт ўринини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилаяпти.

Ўтган йилда саноат тармоқларига қиритилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 140 триллион сўмга, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми эса 68,6 триллион сўмга етди.

2023 йилда экспорт ҳажми 24,4 миллиард долларга тенг бўлиб, аввалги йилдагидан 23,8 фоиз ўсди. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 3 миллиард долларни, озиқ-

ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ҲЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИ

Аграр соҳани кўллаб-қувватлаш, иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича тизимли тадбирлар натижасида дастлабки маълумотларга кўра, йил якуни бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигининг умумий ҳажми 426,3 триллион сўмни ташкил этди, 2022 йилдагидан 4,1 фоиз ошди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 3,1 фоизи деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари ҳамда 29,8 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.



2023 йилда жами 8,4 миллион тонна (ўтган йилдагига нисбатан 105,5 фоиз) дон ва дуккакли дон экинлари, 3,6 миллион тонна (103,8 фоиз) картошка, 11,5 миллион тонна (103,5 фоиз) сабзавот, 2,5 миллион тонна (105,5 фоиз) полиз ҳамда 3,1 миллион тонна (104,1 фоиз) мева етиштирилди.

Ўтган йилда тирик вазнда жами гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 миллион тоннани (2022 йилдагига нисбатан 103,9 фоиз), сут 12 миллион тоннани (102,9 фоиз), тухум 8487,5

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмлари

Т/р	Тармоқ номи	2022 йил		2023 йил (дастлабки маълумот)	
		ҳажм, млрд. сўм	ўсиш суръати %	ҳажм, млрд. сўм	ўсиш суръати %
1.	Жами саноат	553 265	105,3	655 821,9	106
2.	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	52 093,5	101,9	55 240,5	101
3.	Ишлаб чиқариш саноати	460 491,8	105,4	553 333,4	106,7
4.	Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	37 653,6	113,5	44 247,7	109,7
5.	Сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	3026,1	94,7	3000,3	101

миллион донани (104,4 фоиз) ҳамда балиқ етиштириш 198,9 минг тоннани (107,3 фоиз) ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичларининг ҳўжаликлар тоифалари бўйича таҳлили кўрсатдики, тирик вазндаги гўштининг умумий ҳажмида 84,9, сутнинг 92,8 ҳамда тухумнинг 57,9 фоизи деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар умумий бош сони 14,1 миллионни (2023 йилнинг мос даврига нисбатан 288,9 минг бош кўп), шундан сигир 5 миллион (89,8 минг бош кўп), қўй ва эчки 24,1 миллион (515,8 минг бош кўп) ва парранда 103 миллион бошни (5,7 миллион бош кўп) ташкил этди.

Йирик шохли қорамолнинг 90, сигирнинг 90, қўй ва эчкининг 77,5 ҳамда парранданинг 48,5 фоизи деҳқон ва томорқа ҳўжаликларида парваришланмоқда.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 470,3 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 13,7 фоиз кўп бўлди.

Хизматлар умумий ҳажми ўсишига молиявий хизматлар 20,6, савдо 10,2, алоқа ва ахборотлаштириш 24,6, таълим соҳасидаги хизматлар 22,8 фоиз ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Молия сектори янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш ҳамда технологияларга сармоя киритиш ҳисобига жадал ривожланмоқда. 2023 йилда унинг ҳажми 106,4 триллион сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан ўсиш суръати 120,6 фоизни ташкил этди ва жами кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмидаги улуши 22,6 фоизга тенг бўлди.

Молиявий хизматлар ҳажми ошишига банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кенгайиши, валюта сиёсатини либераллаштириш ўз таъсирини кўрсатди.

Транспорт хизматлари ҳажми 108,5 триллион сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан ўсиш суръати 108 фоиз бўлди. Ушбу хизмат турининг жами кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмидаги улуши 23,1 фоизни ташкил этди. Уларнинг ўсишига темир йўл транспортида кўрсатилган хизматлар катта таъсир кўрсатди — 112,4 фоиз. Шу билан бирга, омборга жойлаштириш ва ёрдамчи транспорт хизматларининг 14,9 фоиз ўсиши таъминланди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари жадал ўсиши кузатилмоқда. Масалан, 2019 йилда бу ўсиш 108,3 фоиз бўлган бўлса, 2023 йилда 124,6 фоизга етди. Улар ҳажми 32,2 триллион сўмни ташкил этди.

2023 йилда савдо хизматлари ҳажми 110,7 триллион сўм, 2022 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 110,2 фоиз бўлди. Ушбу турдаги хизматлар ялпи қўшилган қийматининг ўсиши автомобиль ҳамда мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, жумладан, уларни таъмирлаш хизматларининг 29,4 фоиз ўсиши ҳисобига таъминланди.

Таълим соҳасида хизматлар ҳажми 20,4 триллион сўмни ташкил этиб, аввалги йилдагига қараганда ўсиш суръати 122,8 фоизга етди. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари, хусусан, хорижий олий таълим муассасаларининг мавжуд ва янги филиалларида янги факультетлар очилиши, шунингдек, тўлов-

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмлари

Т/р	Тармоқ номи	2022 йил		2023 йил (дастлабки маълумот)	
		ҳажм, млрд. сўм	ўсиш суръати %	ҳажм, млрд. сўм	ўсиш суръати %
1.	Жами саноат	553 265	105,3	655 821,9	106
2.	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	52 093,5	101,9	55 240,5	101
3.	Ишлаб чиқариш саноати	460 491,8	105,4	553 333,4	106,7
4.	Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	37 653,6	113,5	44 247,7	109,7
5.	Сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	3026,1	94,7	3000,3	101

контракт асосида қўшимча қабул ўринлари очилиши таълим соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажми ошишига олиб келди.

Интернет тармоғи кенг қўлланилиши, логистика, электрон тўлов тизимлари ва электрон ҳужжат айланиши пайдо бўлиши натижасида фаолиятнинг янги шакли — электрон тижорат фаол ривожланмоқда. Таҳлил қилинаётган даврда йирик корхоналарнинг электрон тижорат ҳажми жами кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг 2,7 фоизига тенг бўлди.

2023 йил якунига кўра, мамлакатимизга туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 6 миллион 626,3 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 26,6 фоиз ошди.

АСОСИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2023 йил юртимизда жами 352,1 триллион сўм асосий капиталга инвестиция ўзлаштирилиб, 2022 йилдагидан 122,1 фоиз ўсди.

Мазкур юқори ўсиш марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан таъминланди. Улар жами инвестицияларнинг 87,3 фоизини қамраб олди ёки 307,3 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 2022 йилдагидан 26,2 фоиз кўпайди.

2023 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра кўрсатилган бозор хизматлари

Хизмат турларининг номи	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да
Хизматлар — жами	470 286,5	113,7
шундан асосий турлари бўйича:		
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	32 226,6	124,6
молиявий хизматлар	106 363,8	120,6
транспорт хизматлари	108 477,7	108
яшаш ва овқатланиш хизматлари	18 327,3	112,6
савдо хизматлари	110 662,4	110,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	12 064,3	113,3
таълим соҳасидаги хизматлар	20 418,4	122,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	8441,2	111,6
ижара хизматлари	7542,6	105,2
компьютер таъмирлаш хизматлари	7021,5	106,6
шахсий хизматлар	10 916	106,3
меъморлик соҳасидаги хизматлар	7959,7	100,2
бошқа хизматлар	19 865	120,6

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари тўғрисида гап кетганда, тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий инвестиция ҳамда кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилаётган сармояларнинг ўрни катталигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Бу инвестициялар 166,7 триллион сўмни ёки жами инвестицияларнинг 47,4 фоизини ҳамда 2022 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 156,2 фоизни ташкил этди.

Хитойдан кириб келган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши энг юқори улушга эга бўлди. Ушбу мамлакат инвестицияларининг ўзлаштирилиши жами ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг 25,6 фоизи ёки 48,1 триллион сўмдир.

Шунингдек, Россия инвестициялари ўзлаштирилиши 25,2 триллион сўм ёки жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 13,4 фоизини, Туркия инвестицияларини ўзлаштирилиши 12 триллион сўм ёки жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 6,4 фоизини ташкил этди.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҲАЖМИ

Қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг барча бошқа тармоқлари учун асосий фондларни яратиш ва модернизация қилишда иштирок этмоқда. Шунинг учун у фонд яратувчи асосий тармоқ бўлиб турибди.

2023 йилда мамлакатимизда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 149,9 триллион сўмни ташкил этиб, 2022 йилдагидан 13,4 фоиз кўпайди. Иқтисодий фаолият турлари жиҳатидан бино ва иншоотлар қурилиши бўйича амалга оширилган ишлар етакчилик қилди. Яъни жами бажарилган қурилиш ишларининг 70,1 фоизи улар улушига тўғри келди.



Фуқаролик объектилари қурилишининг ҳиссаси 20,6 фоизни ёки 31 триллион сўмни, иқтисослаштирилган қурилиш ишларининг улуши 9,3 фоизни ёки 13,9 триллион сўмни ташкил қилди.

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, қурилиш корхона ва ташкилотлари сони 34 минг 749 тани ташкил қилиб, соҳа томонидан яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6,2 фоиз бўлди.

Ўтган йили умумий майдони 14,1 миллион метр квадратга тенг турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар 63 минг хонадонга мўлжалланган бўлиб, аҳолининг уйга талабини қондиришга хизмат қилди.

2023 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра кўрсатилган бозор хизматлари

Хизмат турларининг номи	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да
Хизматлар — жами	470 286,5	113,7
шундан асосий турлари бўйича:		
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	32 226,6	124,6
молиявий хизматлар	106 363,8	120,6
транспорт хизматлари	108 477,7	108
яшаш ва овқатланиш хизматлари	18 327,3	112,6
савдо хизматлари	110 662,4	110,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	12 064,3	113,3
таълим соҳасидаги хизматлар	20 418,4	122,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	8441,2	111,6
ижара хизматлари	7542,6	105,2
компьютер таъмирлаш хизматлари	7021,5	106,6
шахсий хизматлар	10 916	106,3
меъморлик соҳасидаги хизматлар	7959,7	100,2
бошқа хизматлар	19 865	120,6

Турар жойларнинг 64,6 фоизи қишлоқ жойларда қурилди. Жами 107,4 минг ўринга мўлжалланган мактаблар ҳамда 27,6 минг ўринга мўлжалланган мактабгача таълим

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси (млрд. доллар)



ташкilotлари, қарийб 2,8 минг ётоққа мўлжалланган шиёохоналар ва 5 мингдан ортиқ қатновга мўлжалланган поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

Мамлакатимизда маҳаллий экспорт килувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш, умуман, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида имтиёз ва афзалликларнинг комплекс тизimini яратилди. Бунинг натижасида жаҳон бозорларидаги конъюнктурага сезиларли ўзгаришларига қарамай, кейинги беш йил ичида ташқи савдо айланмаси 1,5 баробар ўсди.

Экспортчи корхоналарга, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган тузилмалар ташкил этилди.

Ўтган йили Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 62,6 миллиард долларга етди ва 2022 йилдагидан 12,1 миллиард доллар ёки 23,9 фоиз ошди.

Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 24,4 миллиард долларга (23,8 фоиз ошди) ва импорт ҳажми 38,2 миллиард долларга (24 фоиз кўпайди) етди. Ҳисобот даврида 13,7 миллиард доллар қийматига манфий ташқи савдо баланси қайд этилди.


Мамлакатимиз жаҳоннинг 198 мамлакати билан савдо алоқаларига эга. Ташқи савдо айланмасининг нисбатан салмоқли ҳиссаси Хитой (21,9 фоиз), Россия (15,8 фоиз), Қозоғистон (7 фоиз), Туркия (5 фоиз) ва Корея Республикаси (3,7 фоиз) ҳиссасига тўғри келди.

Кейинги йилларда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби қўшни давлатлар билан ташқи савдо айланмасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўтган беш йил ичида ташқи савдо айланмаси Туркменистон билан икки қарра, Тожикистон билан 1,6, Қозоғистон билан 1,3 ва Қирғизистон билан 1,2 баробардан зиёдга ошди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспортни қўпайтиришни рағбатлантириш, маҳаллий экспортчи ташкилотларнинг рақобатдошлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартиботларини бекор қилиш орқали ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш мақсадида ва амалга оширилган ислохотлар натижасида экспортчилар сони 7,3 мингтага етди ва улар томонидан 16,2 миллиард доллар (номонетар олтидан ташқари) қийматига (ўсиш 4,5 фоиз) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

2023 йилда товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорларимиз Россия (13,5 фоиз), Хитой (10,1 фоиз), Қозоғистон (5,6 фоиз), Туркия (5,1 фоиз), Афғонистон (3,5 фоиз) ва Қирғиз Республикаси (2,6 фоиз) кабилар бўлган. Уларнинг

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси (млрд. доллар)



умумий экспортимиздаги улуши 40,4 фоизни ташкил этди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 78,8 фоизга етиб, унда саноат товарлари (16,6 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (7,3 фоиз), кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (5,4 фоиз), машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (5,3 фоиз) асосий ўрин тутди.

Асосий экспорт маҳсулотлари ораси

“ЎШЛАР” ва “БИЗНЕС” сўзлари нега ёнма-ён?

ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИ



Нурислом ТЎХЛИЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Мустақил давлатчилигимиз тарихида ёшлар билан боғлиқ йил номланишига бир неча марта гувоҳ бўлдик. Зеро, ёшлар жамият шаклланиши ва ривожланишида доимо муҳим роль ўйнаб келган. Шунинг учун ҳам уларнинг мамлакатимиз ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш долзарб аҳамиятга эга. 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилингани ўғил-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни бекиёсلىгини эътироф этиш бўйича тарихий анъананинг давомидир.

Расмий статистикага кўра, 14-30 ёш оралиғидаги аҳоли ёшлар қатлами саналади. Улар мамлакатимиз аҳолисининг 26,8 фоизини ташкил этмоқда. Бу давр инсон ҳаётида энг масъулиятли палла: мустақил ҳаётга кириб боради, ўзига муносиб касб ва таълим турини танлайди, ўқийди, иш фаолиятини бошлайди. Турмуш кўриш даври ҳам, асосан, шу даврга тўғри келади.

Ўзбекистонда никоҳдан ўтаётган эркакларнинг ўртача ёши 27, аёлларники эса 22,2 ёшни ташкил этади. Тиббий ёш билан айтганда, фертилик ёки репродуктивлик, яъни соғлом авлод нуқтани назардан ҳам бу қатламнинг аҳамияти катта. Мамлакатимизда ёшлар сисбасатининг давлат даражасига кўтарилгани маъноси ҳам шунда.

Ёшлар инновациялар, технологик ва иқтисодий тараққиётнинг двигателидир. Уларни тадбиркорлик, таълим ва малака оширишда қўллаб-қувватлаш бизнес ва умуман, иқтисодиётнинг ривожлантиришга ёрдам беради. 2024 йил ёшлар ўртасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши учун шарт-шароит яратиш борасида муҳим қадам бўлиши тайиб.

Шу боис, ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бирлашиши жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириши, инновациялар учун қулай муҳит яратиши мумкин. Демак, жорий йилнинг номланишида — “ёшлар” ва “бизнес” сўзларининг ёнма-ён қўлланишида алоҳида маъно бор. Бу, аввало, юртимизда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш ва иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ.

Мамлакатимизда ёшларнинг 210 та тадбиркорлик ва саноат зонаси ташкил этилди. Уларни иш билан таъминлаш учун катта маблағ сарфлаб, платформа яратилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчидан, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмаклашиш янги иш

ўринлари яратишга замин ҳозирлайди, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланиши рағбатлантиради. Фарзандларимизга ўз гоъларини рўёбга чиқариш, бизнес лойиҳаларини йўлга қўйиш ва муваффақиятли ишбилармон бўлишга ёрдам беради.

Иккинчидан, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш ҳам ички, ҳам хорижий сармояни жалб этиш имконини беради. Сармоядорларни бундай зоналарда ўз ишлаб чиқариши ва бизнесини жойлаштириш имконияти қизиқтириши мумкин. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига замин яратяди.

Учинчидан, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари янги технологияларни жорий этиш, инновацион маҳсулот ва хизматларни ривожлантириш платформасига айланиши мумкин. Айни пайтда мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарининг ривожланиши ёшлар учун янги иш ўринлари яратишга, бу эса, ўз навбатида, ишсизлик даражасини пасайтириш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Бинобарин, Ўзбекистонда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб қилиш, инновацияларни рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва умумий иқтисодий ривожланиш нуқтани назардан ҳам катта аҳамиятга эга.

МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИ — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда аҳоли сони ҳар йили қарийб бир миллионга қўлаймоқда. Меҳнат бозорига 500 минг йилгит-қиз кириб келатганини назарда тутадиган бўлсак, янги иш ўринлари яратиш ва ёшларни иш билан таъминлашга катта эҳтиёж борлиги англашिलाди. Бу тенденция Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Ёшлар ҳар қандай давлатнинг келажаги, улар-

ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва иш ўринлари яратиш Ўзбекистонда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка ҳисса қўиши аниқ. Аммо давлат ўз фуқароларига бир умр “энага” бўлиши шарт эмас. Ёшлар таълим давомида инновацион билимлар билан қуролланиб, Ғарбдаги сингари ўзига ўзи иш ўрни яратиш тамойилини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Кремний (Силикон) водийсидаги Стэнфорд университети талабалари Ҳьюлетт ва Паккард 1939 йили ҳамёнидаги 538 доллар билан ташландиқ бинада “тараж бизнеси”ни бошлаган. Уларнинг саъй-ҳаракати аста-секинлик билан персонал компьютер ва принтер ишлаб чиқарувчи, 170 мамлакатдаги филиалида икки юз мингдан орттиқ ишчи ўрнига эга йирик компания вужудга келишига асос бўлди. Ҳозир ҳам бу трансмиллий IT компанияда 58 минг киши меҳнат қилади. Жаҳонга машҳур IT компанияларнинг кўпи фаолиятини худди шундай бошлаган.

Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш учун тадбиркорлик субъектларига катта имконият, имтиёз ва энгилликлар берилгипти. Бу ишлар муайян даражада ўз самарасини кўрсатгипти, бироқ меҳнат кучи миграциясига барҳам бериш мушкуллигига қолмоқда. Ҳозир миграция ёшлар учун янги тажриба, малака, таълим ва яхши меҳнат шароитига эгалик имконияти бўлиши мумкин. Бироқ миграциянинг салбий томони ҳам бор. Масалан, қиллоқда яшовчи қўллаб ёшлар ўз оиласини ташлаб кетмоқда. Бу эса жамият парчаланиши, оилавий қадриятлар издан чиқиши хавфини ҳам туғдиради. Бундан ташқари, миграция юқори малакали кадрларни йўқотишга олиб келади. Ушбу ҳолат мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд.

Шундай экан, ёшларнинг ўз юртида иш топиши, камолга етиши учун шароит яратиш муҳим. Бунга янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтириш, хусусий инвестициялар ва инновацион ривожланиш учун инфратузилмани такомиллаштириш орқали эришилади. Ташқи миграцияни қисқартириш, ёшлар бандлигини таъ-



ва бошқа соҳаларда билим ва кўникмаларга эга ёшлар жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатга киришяди, ўзи ва бошқалар учун иш ўринлари ярата олади.

Хизматларни муваффақиятли экспорт қилишнинг бир йўналиши Ўзбекистонда IT соҳасининг ривожланишидир. Мамлакатда рақамли иқтисодиёт фаол ўсиб бормоқда, IT компаниялари учун қулай шарт-шароит яратилмоқда, инновацион маҳсулот ва хизматлар ривожланиши рағбатлантирилмоқда. Бу инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётир. Шу маънода, хизматлар ва инновацион гоълар экспорти тўғри ривожланиш стратегияси давлат томонидан қўллаб-қувватланса ва инновациялар учун қулай иқтисодий муҳит яратилса, ёшлар бандлигини таъминлашнинг самарали усули бўлиб хизмат қилади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 400 минг ёшнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга эришиш ҳамда ёшлар ишсизлиги даражасини 14 фоиздан 11 фоизга қамайтириш юзасидан чора-тадбирлар ўз аксини топган. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш, жабҳада хизматлар экспортини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун IT йўналишида 300 минг ёшни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Мактаб ўқувчилари халқаро IT бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатилиши ҳамда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили энг иқтидорли 15 минг ёшни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши юзасидан амалий чоралар белгиланди.

Аҳоли умумий сонига ёшлар улушининг ошиши иш ўринлари яратиш, уларга меҳнат бозорида муваффақиятли рақобатлашиш учун зарур кўникма ва билимлар беришни тақозо этади. Шу маънода, кейинги йилларда “инсон капитали” тушунчасига зўр бериб талқин ва тарғиб қилинаётгани замирида катта мазмун муҳасса. Инсон капитали одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига эришиш учун ишлатилиши мумкин бўлган билими, кўникмаси, тажрибаси, малака ва қобилияти йиғиндисидир. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида билим иқтисодиётига ўтишга қаратилган ўзгаришлар туфайли инсон капитали тушунчаси, айниқса, долзарб бўлиб қолди.

ИНСОН КАПИТАЛИ НЕГА БИРЛАМЧИ?

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш” деб номланган биринчи

йўналишида қилинадиган ишлар таълим ислохотларидан бошланган. Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариши инсон капиталини бойитиш деб тушунадиган бўлсак, бунда таълимнинг ўрни ва аҳамияти катта эканини англаш қийин эмас. Ҳар бир инсоннинг салоҳиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқаришда таълим асосий ўрин тутяди. Таълим орқали одамлар жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муваффақиятли иштирок этиш имконини берадиган билим, кўникма, малака ва тажрибага эга бўлади.

Таълим инновациялар, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорликнинг асосий ресурси бўлган сифатли инсон капиталини шакллантиришга ёрдам беради. Инсонларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали уларга ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, касбий муваффақиятларга эришиш, ҳаётнинг турли соҳаларига қimmatли ҳисса қўиши имконини тақдим этади.

Ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида таълим тизимини ислох қилиш ишларини бошлаш мантқий қадамдир. Тизимни изчил такомиллаштириш, сифатли таълим, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш — буларнинг барчаси инсон капиталини ривожлантириш, мамлакатимизнинг жаҳонда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Бугун инсон капиталига катта эътибор қаратилаётганининг жиддий сабаблари бор. Глобаллашув ва рақобат, технологияларнинг жадал ривожланиши, демографик ўзгаришларни ҳам мазкур сабаблар сирасига кириштиш мумкин. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар инвестиция, технология ва бозор учун рақобатлашишга мажбур. Бу ўринда асосий ресурс рақобатбардошлик ва инновацион ривожланишнинг таъминлиги оладиган инсон капиталидир. Замонавий технологиялар ишчилардан юқори малака ва билим талаб қилади. Инвесторлар ва компаниялар ўз ишлаб чиқариш ҳамда бизнесини жойлаштириш учун инсон капитали юқори бўлган мамлакатларга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Инсон капитали иқтисодий ўсиш, инновациялар, барқарор ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий омилдир. Бу капитал таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва технология соҳаларида инвестиция ресурсларидан самарали фойдалана оладиган ва жамият учун қўшылган қиймат яратишга қодир юқори малакали ишчи кучи бўлиб қайтади. Бинобарин, инсон капиталининг мамлакат тараққиётидаги аҳамияти ҳақиқатан жуда муҳим ва давлат, бизнес ҳамда бутун жаҳон томонидан жиддий эътибор талаб қилади.

ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ АСҚОТАДИ

Хитой ва Ҳиндистон дунёда аҳолиси энг кўп мамлакатлар бўлишига қарамай, бир неча асосий омиллар туфайли ёшларни иш билан таъминлаш муаммоларини муваффақиятли ҳал қилди. Мазкур давлатлар саноат тармоқларини фаол ривожлантирди. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар учун миллионлаб иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшди. Ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш имконини берди.

Шунингдек, ушбу давлатлар ёшларга зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиш имконини берувчи таълим ва ўқитишга катта маблағ сарфлади. Бу ишчи кучининг касбий маҳорати ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилди. Кичик бизнесни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали ҳам ёшлар ўртасида тадбиркорлиқни ривожлантириш учун шароит яратди. Бу инновациялар, янги технологиялар ривожига, янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшди.

Хитой ва Ҳиндистон тажрибаси Ўзбекистон учун ёшлар бандлигини таъминлаш ва аҳоли ўсишини бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишда қimmatли бўлиши мумкин. Аҳолининг ўсиши ва ёшлар бандлиги билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш учун ушбу мамлакатларнинг муваффақиятли амалиётини ўрганиш ва уларни маҳаллий шароитга мослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари чет элларга ташрифи чоғида олий даражадаги мулоқотлар билан кифояланмай, мамлакатимизга инвестиция киритиш мумкин бўлган йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари, тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказгипти. Бунинг боиси шундаки, хориждан сармоя жалб этиш ҳар қандай давлат иқтисодий ривожланишининг муҳим омилдир. Хорижий ташрифлар чоғида йирик корпорациялар, компаниялар раҳбарлари ва ишбилармонлар билан учрашувлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилишда стратегик аҳамият касб этади.

Бу учрашувлар қулай сармоявий муҳит яратиш, хориждан янги технологиялар, тажриба ва капитал жалб этиш, Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва инновацион негизга қўчириш, шу орқали мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Қолаверса, бу ёшларнинг ўзлари учун жозибали бўлган янги иш ўринлари билан таъминланишнинг муҳим омилдир.

Янги авлод — келажак эгаси

МЕНТАЛ АРИФМЕТИКА — болаларимизнинг тасаввур двигатели

Хўшам йУЦОШЕВ оғлан суратлар.

Бугун кўча-кўйда “Ментал арифметика ўргатамиз” деб эзилган эълонларга тез-тез кўзимиз тушади. Ўзи ментал арифметика қандай фан, унинг асосий вазифаси нимадан иборат?

Ментал арифметиканинг асосий вазифаси шундан иборатки, айнан бу фан орқали болаларда миянинг иккала яримшари ҳам ишлашига эришиш мумкин. Одатий тарзда эса уларда фақатгина бир яримшар ишлайди.

Дастлаб мактабимизда шу фанни ўргатувчи тўғрақ ташкил қилганимда кўпчилик бу ҳақда тасаввур йўқлиги учун ишонқирамай қараган эди. Бироқ курсимизда ўқиган болалардаги натижаларни кўриб, уларнинг ҳам қарашлари ўзгарди.

Ментал арифметиканинг асосий мақсади тасаввур имкониятларини янада оширишдир. Бу тасаввур фақатгина математиклар эмас, балки адабиёт, физика ҳамда бошқа соҳа вакиллари учун ҳам бирдек муҳим. Сабаби, барча соҳада янгилик қилиш учун, аввало, тасаввур керак.

Жаҳон тажрибасида ментал арифметиканинг имкониятидан яхши фойдаланган давлатлардан бири Хитойдир. У ерда болаларга жуда кичик ёшдан ментал арифметика ўргатилади. Натижа кўпчиликка маълум — бугунги Хитой илмий ихтироларнинг асосий марказларидан бири.

Болаларга таълим беришда мен ҳам ментал арифметиканинг Хитой технологиясидан фойдаланаман. Бу технология болаларга қараганда қулайлиги ҳамда соддалиги билан ажралиб туради. Айнан шу технология асосида ўқитган

Ўқувчиларимиз бугунги кунгача республикамиз, ҳатто Осиё мусобақаларида иштирок этиб, faxрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Дарс жараёнида кўп гувоҳ бўламан: ментал арифметика ўқиган ҳамда ўқимаган болаларнинг орасидаги фарқ аққол кўзга ташланади. Буни бошқа ҳамкасбларимиз ҳам эътироф этади.

Истайманки, фарзандларимизнинг тасаввур дунёсини кенгайтириш учун уларга болалигидан мазкур фанни ўргатайлик. Зеро, тасаввур ва тафаккур дунёси кенг халқ орасидан ҳақиқий олимлар, буюк ихтирочилар кўп етишиб чиқади.

Хуриш РАЗЗОҚОВ, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 322-мактаб ўқитувчиси



9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни



“Ўқуғанга муборак айла они...”

Абадиётнинг бўйи қадамлар ёки йиллар билан ўлчанмайди. Унинг юкни кўтарадиган тарози ҳам бўлмаса керак. Даврлар, тузумлар ўзгараётган, муносабатлар, зиддиятлар тўқнашаётган чорраҳада ҳақиқий санъат абадиётга дахлдорлик мақомини сақлаб қолиши мумкин экан. Ҳазрат Алишер Навоийдан мерос адабиёт ҳақиқат адабиёти, тафаккур адабиёти, виждон ва иймон адабиётидир. Унинг асрлар синовиға бардош берадиган бетакрор асарларида бугуннинг нафаси бор. Она тилимизнинг улкан жонкуяри, улуғ шоирнинг комиллик таълимоти, ҳикматлари илму урфон, ҳидоят нурига йўғрилиб, кўнглимизни ва йўлларимизни ёритиб турибди.

Миллий ўзлик туйғусини англашга интилган инсон дунё манзараларини, ҳаётнинг паст-баландини, табиатнинг ранг-баранглигини, олам ва одамнинг бетакрор мўъжиза эканини ҳис қилади. Улуғ шоир, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий асарларидан баҳрамандликни қалб эҳтиёжига айлантирган инсон Ватан ва халқ тарихига, тақдирига ҳамда келажагига бефарқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳазрат Навоий асарлари моҳиятини англашга интилиш озода Ватан, озода сўз, эркин фикр, эзгу амал тушунчасини кенгроқ ва чуқурроқ ҳис қилишга ёрдам беради. Улуғ шоирдан мерос бебаҳо миллий-маънавий бойликнинг қадрини англаган ёшлар она халқининг миллий қадриятларидан, кўҳна анъаналаридан ажрлашгани истамайди.

Алишер Навоий ўзбек тили жонкуяри ва ҳимоячи-си сифатида ниҳоятда улуғ ишларни амалга оширган. Унинг ижодиёти наикки Шарқ мумтоз адабиёти, балки жаҳон адабиётида фақулодда муҳим ҳодиса бўлиб, бир-биридан аъло асарларига мутафаккир шоирнинг тил, тилининг жамиятда тутган ўрни, аҳамияти, шунингдек, нутқ маданияти, нотиклик санъати, сўзнинг қадри ва қудрати, тилининг ички табиати, инсониятга кўрсатилган таъсири каби ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлган масалалар ҳақидаги қарашлари акс этган. Хусусан, “Мезон ул-авзон” ва “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр”, “Саъйи сайёр”, “Муншаот”, “Назм ул-жавоҳир”, “Ҳазойин ул-маоний” каби асарларида шоирнинг сўз таърифидаги фикрлари, она тилига муносабати ёрқин намоён бўлган.

Зеро, “Сўзга васф шулким, уларнинг қайси бири сўз аввал, жаҳон эса сўнгра пайдо бўлди, дейилади. Биринчи садо сўз экан, ҳар қандай қўшиқнинг ҳам бошланиши сўздандир. Сўз айтиб совумайдиган қўшиқдир, сўз жисм бўстонида дарахтдир. Инсоннинг жисми гулшан бўлса, нутқ ундаги хушовоз булбулдир. Булбулнинг навоси сўздир. Жонга роҳат берувчи нағмаси ҳам сўздир. Агар сўз бўлмаса, булбул навосиз, нутқсиз қолар эди. Булбулни ҳеч қачон навосиз кўрманг, бенаволикни ҳам булбулга раво тутманг”.

Навоий бобомизнинг сўзи қарийб олти асрдан буён қайта-қайта айтилса-да, абадиётда дахлдор “совумай-диган қўшиқ” бўлгани учун ҳам ўз ҳароратини сақлаб, бизнинг кунимизгача етиб келди. Ҳамон қалбларга меҳр ва илқилик бахш этмоқда. Она тилимиз ҳақидаги янги асарлар — янги қўшиқларнинг яратилишига пой-девор бўлмоқда.

Тил ва тафаккурнинг уйғунлигида, нотиклик ва мантӣқ, нутқ маданияти, назм ва насрни, умуман, ёзма адабиётни бадий тасвир етишда буюк мутафаккир “сўз”ининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Машҳур турколог-шахсшунос олим Н.Ильинский фикрича, улуғ шоир “она тили учун курашда ягона ва баҳодир жангчи эди”. Навоийнинг даҳо даражасидаги истеъдоди ва салоҳияти, туркий тил бойликларида санъаткорона



Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори

фойдаланиш маҳорати, улуғ ватанпарварлиги, айниқса, “Хамса”да янада улуғворлик касб этади. Сўзнинг таъсир кучи ҳақида “Ҳайрат ул-аброр”нинг XIV бобида бундай дейди: “Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танида руҳи бор одам доим унга эҳтиёж сезади. Сўз дунёда бор барча кўнгилларнинг қутисидидаги жавҳар, ҳамманинг оғиз қутисидидаги қимматбаҳо гавҳардир. Агар тил бамисоли бир пўлат ханжар бўлса, сўз унга қадалган инжулардир. Тил шу чаманининг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга кўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одамнинг танасига қол руҳ бағишлайди. Сўздан тандаги тирик руҳ ҳалок бўлиши мумкин”.

Дарҳақиқат, сўз улус кўнглига кўп нарсадан, борлиқнинг ниҳоясизлиги ва абадийлигидан нишон беради. Эзгу сўз чегара билмайди. Шоир сўз олов сочиш қудратига ҳам эга эканини, бу олов одамларнинг қал-

билан эътиборни тортади, унинг “сўз”и бошқа адабий, лисоний терминларга нисбатан мазмун ва мантӣқ доирасида кенг қамровга эгалиги билан инсонни ҳайратга солади, ижодкорлар ва олимларга ўзига хос илҳом бахш этади. Ҳазрат асарлари теран мазмун-моҳияти ила сизу бизни қисмат аталмиш йўлнинг пасту баландидан, нурли ва хатарли бурилишларидан огоҳ этади, ёруғ манзиллар сари ундайди. Ҳақнинг бебаҳо инъоми бўлгани учун ҳам энди сўзни кўз қорачиғидек асрамоқ керак:

Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жасҳон баҳрида дурдона бил.
Қалб амри ва сўз йўли билан Навоий руҳониятига яқинлашишга интилган инсоннинг руҳияти покланади. Буюк мутафаккирнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” илмий асари туркий халқлар тараққиётига, умуман, инсоният хизматиға қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у чуқур билими, илмий таҳлиллари ва хулосалари билан бу тилда ҳам гўзал, баркамол асарлар яратиш мумкинлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Шу билан бирга, асарнинг мавзу доираси кенг бўлиб, унда тилшунослик ва адабиётшуносликнинг турли муҳим муаммолари, ўзига хос хусусиятлари ифодасини топган. Академик Алибек Рустамийнинг фикрича, “Ҳазратнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ёзишдан мақсади форсийда ижод қилувчи турк шоирларига туркийнинг ҳар жиҳатдан бойлигини ва унда олий даражадаги бадий асарлар яратишга ҳамма имкониятлар мавжудлигини назарий жиҳатдан исботлаб бериш ва туркийзабон халқдан чиқадиган санъат ва илм аҳллариини ўз халқи олдидаги элпарварлик бурчларини адо этиш учун туркийда ҳам ижод этишга даъват қилиш эди. Навоий ўз даврининг илгор умумбашарчиларидан бири бўлган. Унинг бутун ижоди ва фаолияти фақат туркларга эмас, умуман, инсон хизматиға қаратилган эди”.

Аллома ушбу асарда туркий ва форсийни қиёсий ўрганиш орқали туркий тилининг шу даврда машҳур бўлган араб ва форс тиллари даражасидаги маквен ҳақида сўз юритади ҳамда улардан, хусусан, форс тилидан фарқ қилувчи хусусиятлари, жумладан, “юз лафз” (юзта сўз)ни келтириб, тадқиқ қилиш билан исботлайди. Бу маъно Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларида ҳам ўз ифодасини топган:

“Бу юз лафз, сўздурки, қизик, ажойиб, ўта нозик мақсадлар, ниятлар, ҳислар, муддаоларни билдиришда тайин белгилли қилибдурларки, бу сўзларнинг ҳеч

юзма-юз келганда уялсинларки, илзом бўлсунки, ўзгаларни бунга қиёс қилсин”.

Бугунги кунда ҳам жаҳон тилшунослик илмида шу ақидаға, яъни қиёсий таҳлилниинг ҳаққоний бўлишиға амал қилинади. Ҳазрат Навоий насрий ва назмий асарларида туркий тилини улуглаш билан қиёроланмади, балки туркийзабон халқ вакиллари бўлмиш илм ва ижод аҳлини туркийда ижод қилишга даъват этди.

Ҳазрат Навоий қаламиға мансуб назмий, насрий ва илмий асарларнинг ҳам бадий, ҳам ғоявий-маърифий жиҳатдан юксак савияда битилгани ўзбек адабий тили шаклланиши ва бугунги маквеға эришишида муҳим аҳамият касб этди. У бутун ижоди давомида туркий тилини жаҳоннинг энг мукаммал ва мумтоз тиллари даражасиға кўтариш учун курашди. Туркий тилининг битмас-туганмас зарофати ва латофатидан, маънавий манбаларидан фойдаланиш жараёнида бу тилда мукаммал бадий-илмий асарлар яратиш мумкин эканини исботлади.

“Лисон ут-тайр” ишқий-фалсафий достони жаҳон адабиётида алоҳида эътироф этиладиган асарлар қаториға қиради. Достон улуғ шоир умрининг хотимасида, илмий-ижодий фаолияти қамолотнинг юксак чўққиларини забт этган, шеърӣ санъатда улкан тажриба орттирган даврида яратилгани билан характерланади. Айниқса, мажоз воситаларининг хилма-хил кўринишларидан ғоят усталик билан фойдаланади. Шоир достонда маърифат водийсининг васфини баён этар экан, уни беповён бир даштта қиёслайди, бу даштта ким қандай ният билан қадам қўйса, шунга эришади. Водийда юз минглаб йўллар бор, ҳар ким ўзига мос сўқмоқни топишга ҳаракат қилади. Инсон дунёни билиш, яъни маърифатға эришиш йўлида турли тўсиқларға дуч келади, зиддиятларни енгиб, тараққиётда интилади. “Билиш” босқичининг дастлабки пиллаояларидан ўтган, таълимлар ўртасидаги тафовутни англаган инсонгина “таниш” ва “идрок” мақомиға эришади:

Бўлди ўз ирфони ҳар кимға сифат,
Кўп тафоевот қилди пайдо маърифат.
Ҳар киши ўз таърида истаб қамол,
Қилди водий тай қилура шимғол.
Гар сулук атворида тағйир эди,
Мақсади лекин борининг бир эди.

Улуғ шоирнинг ёзишча, маърифат қуёши юз кўрсатқач, ҳар ким ўз мақсадиға эришмоқ учун ўз сулуқи ҳолиға натижа истайди, руҳиятиға уйғунлашиб кетган сўз ёлқини ҳеч қачон сўнмайди. Аксинча, энг қимматбаҳо гавҳар сингари янғидан нур сочади. Шоирнинг сўз сеҳрини англаш ва сўз қўлаш санъати унинг асарлари моҳиятини тадқиқ қилувчилар учун қатта масъулият юклайди. Унинг ҳар бир асари туркий сўзнинг юксак бадият чўққиси тимсолидир.

Атоқли олим Натан Маллаев тўғри таъкидлаганидек, “Навоий ижодиёти у яшаган муҳитнинг бадий қомуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир. Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган. Бинобарин, Навоий мероси турли илм соҳалари учун бой ва қимматли манбадир”.

Буюк мутафаккир сўзни ҳабар, маъно ва тушунча ташувчи, инсон ички дунёсини, мураккаб руҳиятини ифода этувчи ва ўз ўрнида бошқаларға таъсир ўтказувчи кучли восита деб билади. Ҳазрат Навоий ҳар бир асаридида туркий тилининг нозик маъно қирраларини, яъни ҳам ҳикматини, ҳам зийнатини кашф қилади.

Навоий Ҳазратлари қўллаган ҳар бир сўз ҳар ўринда бетакрор маъно касб этади. Мутафаккир шоир наздида инсоннинг тили, яъни нутқи унинг одоби, ички маданияти ва тафаккурини намоён қилувчи асосий восита. У ҳар бир шахснинг тилиға, унинг тилға муносабатиға, нутқининг қай тарзда намоён бўлишиға алоҳида эътибор беради. Шундай қарашлар туфайли замонлар ўтиши билан нутқ одобини, мулоқот маданиятини белгилочи муайян мезонлар вужудға келган. “Фарҳод ва Ширин” достонидида улуғ шоир бундай дейди:

Демоник кўнгли пок, ушунга кўш пок,
Тили пок, сўзи пок, ўшунга кўш пок.
Деди: ҳар шиқи қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла қилмиш одамизод.

Шоир ижодиётида сўз мавзуси юксак эътибор ва эҳтиром, шарқона назокат ва эъзоз билан қаламға олинган. Мир Алишер Навоийнинг сўз санъаткори сифатидаги юксак истеъдоди ва салоҳияти унинг мангӯликка дахлдор юксак асарларидаги туркий тилға ва нутқ маданиятиға оид қарашларида ҳам ёрқин намоён

Эҳтиром
Навоийдан ўрганинглр

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Одамзодни одам қилган —
Сўз бўлади, сўз танинглр,
Сўз танишини, болам, ҳар вақт,
Навоийдан ўрганинглр.

Байтида минг маъно нури,
Дил дардиға шифо нури,
Навоийда Худо нури,
Навоийдан ўрганинглр.

“Хамса” — туркнинг дил достони,
Она тилнинг мангу шони,
Ўрганмоқнинг зўр имкони,
Навоийдан ўрганинглр.

У — ҳикматлар булоғидир,
Заковатнинг чироғидир,
Садоқатнинг сўроғидир,
Навоийдан ўрганинглр.

Кимға ёрдиҳ Ҳақнинг ўзи,
У — миллатнинг боқий сўзи,
Назм аҳлин назмий юзи,
Навоийдан ўрганинглр.

Ўқиганлар одам танир,
Одам билган — олам танир,
Унинг лутфи гулдек ҳарир,
Навоийдан ўрганинглр.

Дунё омон-омон бўлсин,
Аҳдлининг азмиға тўлсин.
Навоий назмиға тўлсин,
Навоийдан ўрганинглр.

бўлди ҳамда кейинги давр ижодкорлари учун бетакрор мактаб вазиасини ўтади. Бу асарлар, энг аввало, сўзға, туркий тил ва нутқ маданиятиға ҳурмат ва меҳрмуҳаббатнинг, чин инсоний эътиқоднинг ҳаққоний акс этилиш билан иборатлидир. Шоир ишонч билан бундай дейди:

Дезанимни улусқа маруб эт!
Ёзганимни кўнгулга маҳбуб эт!
Халққа зеби торак айла они,
Ўқуғанға муборак айла они.

Сўз таърифида улуғ шоир заковати, тафаккури ва бадий маҳоратининг янги қирралари очилиб боради. Хусусан, ғазал, рубоий ва достонларда қўлланган шеърӣ санъатлар яширин, кўчма, кўп маъноли сўзлар ҳамда ранг-баранг услубий воситалар билан уйғунлашиб, қитбоҳон онгу шуғурида мўъжизалар яратади. Сўз мўъжизасининг нафис бадияти, сиру синоатлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Мутафаккир шоир шеърӣ санъатлариға ҳам ўта масъулият билан ёндашади, ўз фикрини баён қилишда айрим сўз ёки бирикмаларға урғу бериш орқали асарининг бадий таъсирчанлигини, эмоционаллитини кучайтиради, воқеалики қитбоҳоннинг хотирасида муҳрланиб қоладиган даражада юксак маҳорат билан таърифлайди.

Ҳазрат Навоийнинг ҳар байти, мисраси сермазмун, олмосдай жилланиб туради, ғазаллар ва достонларнинг завқи, сузури ҳам бир жаҳон. Уларни қайта-қайта ўқиганимиз сари руҳимиз покланади.

Улуғ шоир асарларининг асосий ғояси инсонни эъзозлашға қаратилгани, ҳар бир сўзнинг эзгуликка хизмат қилишға чоғланиши умумбашарий қадриятдир. У инсонларни барча нуқсонлардан холи, комиллик саодатиға мушарраф ҳолда кўришни орзу қилади. Кўнглиг поклиги комилликнинг энг юксак мақомидир. Навоий фалсафасининг таъсирчан куч-қудратида миллий маънавиятимизнинг ўқ илдизи — бетакрор қадриятлар, ҳаётӣ ҳикматлар, сабоқлар, шарқона ўғитлар муҳассас.

Мир Алишер Навоий туркий тилини улуглаш баробарида ҳар бир сўзға алоҳида меҳр билан қарайди. Хусусан, туркий тилдаги асарларини буюк муҳаббат ва масъулият билан ёзди. Уларда она тилининг ички имкониятлари очилди, оддийликдан мураккабликка, мураккабликдан оддийликка ўтувчи янги йўллар, усуллар кашф қилинди. Буюк сўз санъаткорининг ўз ибораси билан айтганда:

“Ўқуғанға муборак айла они...”.

